

Назарий билимлар амалда

2020 йил 25 февраль куни “Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” факультети “Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги” йўналиши 2-босқич талабалари институтда олган назарий билимларини мустахкамлаш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтига амалий кўнікмаларини шакллантириш мақсадида бордилар. ФМИ томонидан бириклирлган ходим гурух талабаларини 3 та кичик гурухга бўлиб хар бир гурух учун алоҳида машғулотлар ўтилди. Қўйидаги расмда хар бир кичик гурухнинг жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича машғулотларидан лавхалар келтирилган.



Кичик гурухлар навбатма навбатта институтда ташкил этилган музейда бўлдилар ва у ердаги мавжуд бўлган экспонатлар билан яқиндан танишдилар. Экспозиция марказида талабалар биноларнинг зилзилабардошлиги хақида маълумотларга эга бўлдилар ва эвакуация хақида маълумотларга эга бўлдилар. Сўнг гурух талабалари симуляция марказида йиғилдилар ва 8-9 баллик зилзила содир бўлса қандай харакат қилиш бўйича кўнікмаларини оширдилар. Фуқаро муҳофazasiда ўтказилган машғулотлар талабаларга қизиқарли ва эсда қоларди бўлди.



ТИҚҲММИ матбуот хизмати